

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.05.30.2018.G.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАВШАНОВ АЛИҚУЛ ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**НОЗОГЕОГРАФИК ВАЗИЯТНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ
(Самарқанд ва Навоий вилоятлари мисолида)**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Равшанов Аликул Худойбердиевич

Нозогеографик вазиятнинг худудий хусусиятлари (Самарқанд ва Навоий вилоятлари мисолида)..... 3

Равшанов Аликул Худойбердиевич

Территориальные особенности нозогеографической ситуации (на примере Самаркандской и Навоийской областей)..... 21

Ravshanov Alikul Khudayberdievich

The territorial peculiarities of nosogeographical situation (on the example of Samarkand and Navoi regions) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.05.30.2018.G.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАВШАНОВ АЛИҚУЛ ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**НОЗОГЕОГРАФИК ВАЗИЯТНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ
(Самарқанд ва Навоий вилоятлари мисолида)**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Gr31 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (samdu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим тармоғига (www.ziynet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Комилова Нилуфар Қаршибоевна**
география фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Сафаров Баҳодир Шахриёрович**
иқтисод фанлари доктори

Мухаммедов Одил Лапасович
география фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 05.30.2018.G.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya@mail.ru Самарқанд далаат университети, География ва экология факультети)

Диссертация билан Самарқанд далаат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

С.Б.Аббасов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, г.ф.д.

Қ.С.Ярашев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
география фанлари бўйича PhD

А.Рахматуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д.(DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва кескин рақобат шароитида ҳамда аҳоли сонининг муттасил кўпайиб бориши натижасида инсонлар орасида юқумли-паразитар касалликлар билан боғлиқ ўлим кўрсаткичлари ошиб бормокда. Бу муаммоларга қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга халқаро ташкилотлар ҳам катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастури¹да “2030 йилгача бўлган даврда ОИТС, сил, безгак сингари касалликлар эпидемияларини тугатиш, шунингдек, гепатит ва бошқа сув орқали тарқаладиган юқумли касалликларга қарши курашиш чора-тадбирларини таъминлаш масалалари”га алоҳида урғу берилган. Мазкур вазифаларни муваффақиятли удалаш арид иқлимли ҳудудларда вужудга келган нозоэкологик ва нозогеографик вазиятларни барқарорлаштиришни тақозо этади.

Дунё география ва тиббиёт фани атроф-муҳит, инсон саломатлиги нозогеографик вазият ҳамда географик омиллар ўртасидаги корреляцион алоқадорликнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш ва ушбу алоқадорликнинг механизмларини аниқлаш, нозоэкологик ва нозогеографик вазиятларнинг вужудга келиши, уларни оптималлаштириш муаммолари хусусида жиддий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, тиббиёт географияси ва нозогеографиянинг нозокомплексларни алоҳида категория сифатида тадқиқ этиш, унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш, ўчоқ ҳосил қилувчи касалликларни тарқалиш ареалларини, динамикасини аниқлаш ва прогнозларини ишлаб чиқиш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Ҳудудлардаги тиббий географик вазият жамиятнинг ривожланиши ва аҳоли турмуш тарзини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Тиббий географик муаммоларни ҳал этиш ва аҳоли саломатлигини яхшилаш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда умр узайишини таъминлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш соҳасини модернизация қилиш, муттасил ортиб бораётган касаллик гуруҳ ва турларини камайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга оид қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” нинг 4-бандида «...аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш; соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган» вазифалар белгилаб берилган². Бу борада, жумладан экологик вазият кескинлашган Самарқанд ва Навоий вилоятларида вужудга келган нозогеографик вазиятга географик омилларнинг таъсирини

¹Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz.undp.org/content/Uzbekistan.ru>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

оптималлаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабр ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 6 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тиббий географик тадқиқотлар, жумладан нозогеография ва касалликларнинг ҳудудий таркиби билан боғлиқ масалалари МДХ олимлари (Е.Н.Павловский, А.П.Авцин, К.И.Скрябин, Л.А.Зильберг, Е.Л.Райх, Е.С.Фельдман, В.В.Кучерук, Ю.А.Дубровский, В.М.Неронов, А.Г.Воронов, Б.Б.Прохоров, М.П.Чумаков, А.К.Шубадзе, Е.Н.Левкович, В.Д.Соловьев, Н.Н.Сиротин, Г.М.Данишевский, Л.С.Кандрор, И.Н.Тихомиров, А.А.Келлер, С.А.Куролап, С.М.Малхазова, Н.В.Шартова, Ю.А.Шакирова)¹ ҳамда хориж олимлари (S.Hennen, Marshall, Forbes, J.Boudin, I.Verhaselt, A. Hirsch, O.Kratochvil, J.May, A.Picheral, B.Sery, M.Sorre, L.Stamp, G. Fuchs, Brennan, С.М. Garcia, P.Kretowicz., P. Hagggett, M.Meade, С.Palagiano, W. Wuyi, S. Melinda., T. Brown., S.M.Lafferty, G Moon)² томонидан тадқиқ этилган.

¹ Е.Н.Павловский Природная очаговость трансмиссивных болезней в связи с ландшафтной эпидемиологией зооантропонозов. -М., 1964.- С. 211. А.П.Авцин Введение в географическую патологию. -М.: Медицина, 1972.- С.328. Райх Е.Л. Моделирование в медицинской географии. -М.: Наука, 1984.- С.157. Кучерук В.В. Структура, типология и районирование природных очагов болезней человека // Итоги развития учения о природной очаговости болезней человека и дальнейшие задачи. - М: Медицина, 1989.- С.180-212. Дубровский Ю.А. Песчанки и природная очаговость кожного лейшманиоза –Москва, Наука. 1978. – С. 102-118. Заболотный Д.К. География медицинская (нозогеография).М., БМЭ, 1-е, т.6, 1929. - С. 12-16. Неронов В.М., Малхазова СМ. Региональная география лейшманиозов. -Ч. 2. В кн.: Итоги науки и техники. Сер. мед. география. - Т. 13. - М.: ВИНТИ, 1985. - С.197. Воронов А.Г. Медицинская география. -М.: Наука, 1981.- С. 116. Прохоров Б.Б. Медико-экологическое районирование и региональный прогноз здоровья населения России. -М.: Изд-во МНЭПУ, 1996. - С.71. Куролап С.А., Мамчик Н.П., Клепиков О.В. Оценка риска здоровья населения при техногенном загрязнении окружающей среды. - Воронеж: Изд-во Воронеж, гос. ун-та, 2006. – С. 220. Малхазова СМ. Медико-географический анализ территорий: картографирование, оценка, прогноз. -М.: Научный мир, 2001. - С. 240 Келлер А.А. Основные закономерности эпидемиологической географии // Методологические основы медицинской географии. -Л., 1983. -С. 99-105. Шартова Н.В. Медико-географическая оценка Московской области. Автореф. дис. ... канд. геогр. наук. - М., 2008. – С. 24 . Шакирова Ю.А. Географический подход к проблемам распространения заболеваний/ Ю.А. Шакирова //Материалы всероссийской научной конференции, посвященной 200-летию Казанского университета “Современные глобальные и региональные изменения геосистем”. – Казань, 2004. – С. 240.

² Melinda S. Meade and Michael Emch Medical Geography, Third Edition, 2010. Мей Ж. Медицинская география // Американская география. Современное состояние и перспективы. -М., 1957. - С. 431-445. P. Hagggett. Análisis Locacional en la Geografía Humana Godfroid I. Brucellosis in wildlifero. Rev. Sci. Tech. ff.Int.Epiz.,2002,21(2): -P.277-286. Palagiano C. A new medical geography for a new environment, in Luciano Buzzetti (a cura di), Geographical Renaissance at the Dawn of the Millennium. The Italian Perspective // IGU Regional Conference (Durban 4-7 August 2002). Societa Geografica Italiana. Roma, 2002. P. 313-316. Verhasselt Y. IGU Commission on health and development. // Geographia Medica. -1991. -№21.- P. 137-140. Moon G. Replacing research on health and health care. // Health and Place. 1995. - Vol.1.- № 1. p. 1-4. Wuyi W., Linsheng Y., Yonghua L., Hairong L., Bixiong Y. The environmental challenge and health security in China // Geography. Environment. Sustainability. 2010. №3. P. 42-55. Meade M., Emch M. Medical Geography. New York: Guilford Press,

Мамлакатимизда кўрилаётган муаммога анча яқин соҳалар билан, аниқроғи, иқтисодий-ижтимоий география нуқтаи назаридан О.Б.Ата-Мирзаев, Х.Т.Турсунов, М.И.Назаров, Н.Қ.Комилова, М.Ҳамроев, И.Р.Турдимамбетов, муаммонинг табиий географик ҳамда экологик жиҳатларига Л.А.Алибеков, А.Абдулқосимов, А.Ниғматов, С.Б.Аббосов, А.Р.Раҳматуллаев, С.Ж.Абдуреймов, Қ.С.Ярашев сингари олимлар ўз эътиборларини қаратишган. Юқоридаги тадқиқот ишларида аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммолар ўрганилган, лекин ушбу муаммонинг географик жиҳатларига бағишланган махсус илмий тадқиқотлар мамлакатимизда бирмунча кам олиб борилган. Мазкур ишнинг асосий мақсади ана шундай камчиликларни тўлдиришдан иборат.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий ишлар режасининг 6113-Б. «Зарафшон ҳавзасининг ландшафт-хўжалик хусусиятлари, антропоген ўзгаришлари ва геоэкологик муаммолари» (1993-1996) фундаментал лойиҳаси, А-4-8 «Самарқанд вилоятининг электр энергия берадиган шамол ресурсларини аниқлаш ва картасини тузиш» (2015-2017) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аҳоли касалликларининг ҳудудий таркиби ва нозогеографик вазиятга географик омиллар таъсирини баҳолаш орқали Самарқанд ва Навоий вилоятларида тиббий географик вазиятларни яхшилаш билан боғлиқ илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари

Самарқанд, Навоий вилоятлари ва уларнинг туманлари доирасида аҳоли касаллиниши билан боғлиқ нозогеографик вазиятни таҳлил қилиш;

ҳудудлардаги аҳоли саломатлигига таъсир этувчи табиий, ижтимоий-иқтисодий географик омилларни ҳамда нозогеографик вазиятни аниқлаш ва баҳолаш;

вилоятлар аҳолиси орасида учрайдиган баъзи юқумли касалликлар ўчоқларини тиббий географик жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

вилоятлар нозогеографик ҳолатидаги асосий муаммоларни аниқлаш, аҳоли орасида мавжуд касалликлар бўйича прогнозлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Самарқанд ва Навоий вилояти аҳолиси орасида учрайдиган касалликлар ҳамда уларнинг ҳудудий таркиби ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети нозогеографик вазиятга табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирини ҳудудий таркиби ва хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда статистик, анкета-сўровнома, географик таққослаш, картографик, ҳудудий таҳлил, экстраполяция, экологик

2010. -498 p. Fuchs G. Aspekte zum Begriff der Grossanlagentauglichkeit Klauengesundheit. - Mh. Vet.-Med., 1976, Bd.24, s.930-935. Hirsch A., Handbuch der historisch geographischen Pathologie, Abt. 1—3, Stuttg., 1881—86. Kretowicz P. The influence of socio-economic factors upon public health on the example of Podkarpackie voivodship // Bulletin of geography. Socioeconomic series №14, 2010. – P. 63-78.

ва тизимли ёндашув, эксперт баҳолаш усулларидадан фойдаланилган. Карталар махсус «ArcGIS» дастуридан фойдаланган ҳолда яратилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

геоэкологик вазият ва аҳоли саломатлиги ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш асосида вилоятлардаги тиббий географик вазият (қулай, нисбатан қулай, нисбатан ноқулай, ноқулай, ўта ноқулай даражаларда) баҳоланган ва шу асосда аҳоли касалланишининг ҳудудий тафовутлари (туманлар кесимида) очиб берилган;

касалликларни географик тарқалишига табиий (иқлим, сув, рельеф) ва ижтимоий-иқтисодий (аҳоли зичлиги ва турмуш тарзи, аҳоли манзилгоҳлари жойлашуви, хўжалик ихтисослашуви) омилларнинг таъсир даражаси баҳоланиб, улар асосида тиббий географик районлар ажратилган;

нозогеографик вазиятни оптималлаштириш асосида Самарқанд вилоятининг 1:350000 ва Навоий вилоятининг 1:600000 масштабли нозогеографик, тиббий хизмат кўрсатиш карталари яратилган;

касалликлар турлари (бруцеллёз, буйрак, ўт пуфаги ва ошқозон-ичак касалликлар учун) динамикаси бўйича 2030 йилгача прогнозлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида ҳудудларнинг нозогеографик вазиятига таъсир этувчи табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларни баҳолаш асосида аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш билан боғлиқ тавсиялар ишлаб чиқилган;

айрим юқумли касалликлар эпидемиологик ўчоқлари хўжалик ихтисослашуви ва эпизоотик вазият билан боғлиқлиги, яъни бруцеллёз ва куйдирги каби касалликларнинг ареаллари чорвачилик билан боғлиқлиги аниқланган;

ошқозон-ичак ва ўт пуфаги касалликларининг ичимлик суви қаттиқлиги ва минераллашуви билан корреляцион боғлиқлиги аниқланган ҳамда ушбу касалликларнинг 2030 йилгача прогнози ишлаб чиқилган;

касалликларнинг ҳудудий тафовутлари ва таркибини ўрганиш асосида тиббий географик районлаштириш амалга оширилган ҳамда вилоятларнинг нозогеографик вазиятини, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ўзида акс эттирувчи турли мавзудаги мавзули карталар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Самарқанд ва Навоий вилоятлари статистика бошқармалари маълумотлари ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари ва муассасалари ҳисоботларидан фойдаланганлиги, илмий тадқиқотларнинг замонавий усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувларнинг илмий-асосланган манбалардан олингани, ўтказилган сўровноманинг анкета шаклига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодиётни модернизациялаш шароитида

аҳоли саломатлиги ва касалланишининг ҳудудий хусусиятларини, шунингдек, ҳудудларда касалликларнинг эпидемиологик ўчоқларини турли хил замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш ва баҳолаш, прогноз қилиш йўналишларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, асосий мазмуни ва хулосалари ҳамда муаллиф томонидан ўтказилган анкета-сўров натижалари вилоятлар ижтимоий-иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ туманлари аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббий хизмат кўрсатишни ҳудудий ташкил этишни такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга. Мазкур ишдаги далилий маълумотлар, ундаги илмий-услубий ёндашувлардан университетлардаги бакалавр ва магистратура йўналишлари ўқув жараёнлари фаолиятида ҳам фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нозогеографик вазиятнинг шаклланишида географик омиллар таъсирига доир олинган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Нозогеографик вазиятга географик омиллар таъсирининг ҳудудий хусусиятлари ва тафовутларини аниқлашга доир хулосалар “Тиббиёт географияси ва глобал саломатлик” номли ўқув қўлланмасига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 ноябрдаги 274-032-сон гувоҳнома). Натижада география мутахассислиги магистрларига тиббиёт географияси, унинг тадқиқот методлари, нозогеографик вазиятга таъсир этувчи омиллар ҳақида билим ва кўникмаларни шакллантириш имконини берган;

Самарқанд ва Навоий вилоятларининг тиббий-санитар шароитлари, шунингдек, ҳудудлар экологик вазияти ва аҳоли саломатлиги ўртасидаги алоқадорлик очиб берилган ва ҳудудий тафовутларининг сабаблари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат Қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик маркази томонидан фойдаланилган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат Қўмитасининг 2018 йил 1 ноябрдаги 03-03/2-4488-сон маълумотномаси, Самарқанд вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг 2019 йил 6 декабрдаги 01/ 5146-сон маълумотномаси). Натижада нозогеографик вазият ўзгарган ареалларни аниқлаш имконини берган;

касалликлар ўчоқлари ва нозогеографияга доир маълумотлар асосида тузилган карталар ҳамда прогнозлар (ўт қопи, буйракда тош ҳосил бўлиш касалликлари бўйича) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат Қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат Қўмитасининг 2018 йил 1 ноябрдаги 03-03/2-4488-сон маълумотномаси). Натижада профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш имконини берган;

вилоятларда шаклланган эпизоотологик ва эпидемиологик вазиятларни мақбуллаштиришга оид таклиф ҳамда хулосалар Самарқанд ва Навоий вилоятлари ветеринария бошқармаларида амалиётга жорий этилган

(Самарқанд вилоят ветеринария бошқармасининг 2019 йил 9 декабрдаги 40/2-297-сон маълумотномаси, Навоий вилояти ветеринария бошқармасининг 2019 йил 5 декабрдаги 38-01-06/988-сон маълумотномаси). Натижада нозогеографик ва ветеринар-санитария вазиятларни аниқроқ баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 26 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тиббий географик тадқиқотларнинг илмий-назарий ва методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида тиббий географик тадқиқотлар ҳамда нозогеография тўғрисидаги назарияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, уларнинг илмий-назарий, методологик асослари очиқ берилган.

Ҳозирги турли хил кескинликдаги геоэкологик вазиятлар вужудга келган бир даврда тиббий география ва иқтисодий-ижтимоий география фанларининг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамияти ҳеч кимга сир эмас. XIX асрнинг иккинчи ярмида география билан тиббиёт ўртасида предметлараро мустақил фан тармоғи сифатида тиббий география вужудга келиб, аста-секин шакллана борди. Бу фаннинг асосий мақсади ва вазифаси ҳар қайси ҳудуднинг табиий ва социал-иқтисодий шароитини аҳолининг саломатлик ҳолатига таъсирини ўрганиш ва инсон касалликларининг келиб чиқиш сабабларини ва географик тарақалишини аниқлашдан иборатдир. Бундан ташқари табиати тубдан ўзлаштирилган ҳудудларда, тоғ-кон саноати ривожланаётган районларда, магистрал каналлар ва сув омборлари қурилаётган чўлларда қутилмаган ҳолатларда турли хил касалликларни

пайдо бўлишини тиббий географик прогнозлаштиришда мазкур фаннинг амалий аҳамияти беқиёсдир.

XX асрнинг 30-40 йилларига келиб тиббий географиянинг кенг кўламда ривожланиши учун шарт-шароитлар вужудга келди. Собиқ Иттифокда халқ хўжалигини барқарор ривожлантириш хусусан марказдан узоқ бўлган жойларнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва уларни ўзлаштириш мақсадида комплекс тиббий экспедициялар ташкил этилди. Ана шундай йирик экспедициялардан бири бўлган зоологик-паразитологик экспедицияга раҳбарлик қилган академик Е.Н.Павловский (1939) Ўрта Осиёда, Узоқ Шарқда ва бошқа ўлкаларда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш натижасида кўплаб материаллар тўплади. Тўпланган фактик материалларнинг асосий қисми табиий ва социал-иқтисодий шароитни аҳоли саломатлиги ҳолатига, инсон касалликларининг келиб чиқиши ва географик тарқалишига тааллуқли бўлган.

Оқибатда география билан тиббиётда эришилган ютуқлар тиббий география фанининг шаклланишига ва ривожланишига кенг имконият очиб берди. Тиббий географиянинг шаклланиши ва барқарор ривож топишида Е.Н.Павловский (1956), Д.К.Заболотний, А.П.Марковин (1960), А.А.Шошин (1962), Е.И.Игнатъев, А.Г.Воронов (1981, 1986, 1989) ва бошқаларнинг илмий асарлари муҳим рол ўйнади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бугунги кунда тиббий география йўналишида комплекс тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мазкур соҳадаги илк номзодлик диссертацияси 1999 йилда Н.Қ.Комилова томонидан “Бухоро вилоятининг нозогеографик вазияти (аҳоли касалланишининг ҳудудий жиҳатлари)” мавзусида диссертация ҳимоя қилинган. Амударё дельтасининг тиббий-географик таҳлили И.Р.Турдимамбетов (2003-2005, 2016) ишларида, жанубий минтақалар ва Самарқанд вилоятининг нозогеографик вазиятлари Н.К.Комилова (2006, 2007, 2016), О.Мухаммедов (2006) мақолаларида, тиббий ландшафтшуносликка ва тиббий ландшафт карталаштиришга оид илмий тадқиқот натижалари А.Абдулқосимов ва А.Равшановларнинг (2006) ишларида кенг ёритилган. Социал экологиянинг регионал муаммолари ва унинг салбий оқибатлари (Ўрта Осиё мисолида) Ю.Ш.Шодиметов (1992) томонидан тиббий географик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Айтиш ўринлики, нозогеографиянинг асосий масаласи инсонларда учрайдиган касалликлар тарқалишининг умумий географик қонуниятларини аниқлаш, алоҳида касалликлар нозокомплекс ва нозоареаллари, уларнинг динамикасини тадқиқ этишдан иборат. Шундай экан, нозогеография ўз тадқиқот объектига эга бўлган тиббий географиянинг алоҳида йўналишидир. У айрим касалликларнинг ўтмишда ва турли даврлардаги ҳолати билан ҳам шуғулланади. Чунки, касалликлар географияси эволюцияси, баъзи касалликларнинг умуман йўқолиб кетиши, аксинча, айримларининг кенг ҳудудлар бўйлаб тарқалиб кетиши бундай изланишларнинг муҳим назарий аҳамият касб этишини англатади.

Бундан ташқари, тиббий географик тадқиқотларда ҳудудларнинг нозогеографик вазият нуқтаи назаридан таҳлил этиш ҳам чуқур маъно касб

этади. Бизнинг фикримизча, нозогеографик ҳолат ёки вазият, энг аввало, маълум бир жой ёки ҳудудда аҳолининг умумий касалланиш даражаси, айрим гуруҳ касалликлар ўчоқлари ёки ареалларининг мавжудлиги билан тавсифланади. Нозогеографик вазият жуда нозик ҳудудий тизим сифатида, турли табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида ўта ўзгарувчан бўлади. Бунда айниқса юқумли касалликларнинг тарқалишига экологик ҳолатнинг ифлосланиши каби омиллар катта таъсир кўрсатади (Солиев А., Комилова Н., 2000).

Нозогеографик вазият, ўз навбатида, демографик ва экологик ҳолат билан чамбарчас боғлиқ. У ушбу ҳудуд ёки мамлакатнинг умумий ижтимоий ҳолати, аҳолининг яшаш даражасини ҳам белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан нозогеографик вазиятни аниқлаш ва баҳолаш социал географик тадқиқотларда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзига хос табиий шароит, нозогеографик ва тиббий-ландшафт хусусиятларига эга бўлган Ўзбекистон учун нозогеографик тадқиқотларнинг географик жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки мамлакатимиз ҳудудида тоғ ва текислик, чўл ва воҳа табиат комплекслари, урбанизациялашган йирик шаҳарлар, аҳоли сийрак жойлашган қишлоқ ва овуллар, йирик ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган саноат марказларида аҳоли орасида ўзига хос касалликлар намоён бўлади.


«Самарқанд вилояти нозогеографик вазияти ва унга таъсир этувчи географик омиллар» деб номланган иккинчи боби Самарқанд вилояти аҳолиси орасида касалликларнинг тарқалишига таъсир этувчи табиий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар, касалликларнинг ҳудудий жиҳатлари туманлар кесимида тиббий географик нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

Самарқанд вилояти ва бутун Зарафшон водийси бўйлаб тиббий географик вазиятни шаклланишида ер усти ва ер ости сувлари муҳим роль ўйнайди. Вилоят аҳолиси орасида тарқалган кўплаб касалликларни келтириб чиқарадиган бактериялар, уларни ташувчи турли вируслар сувли муҳит ва унинг сифати билан боғлиқдир. Самарқанд вилоятининг ер усти сувлари Зарафшон дарёси ва унинг ирмоқларидан таркиб топган. Аммо кейинги йилларда дарё суви табиий ва антропоген омиллар таъсирида ифлосланиб бормоқда. Дарё сувининг ифлосланиши барча дарёлар ҳавзаларига хос равишда унинг юқори қисмидан қуйи қисмига қараб ўзгариб боради. Дарё ва ер ости сувларининг ифлосланиши Самарқанд вилоятида ўзига хос бўлган тиббий географик, тиббий геоэкологик ва эпидемиологик вазиятни вужудга келтириб аҳоли орасида ошқозон-ичак, буйрак, ўт қоғи, юқумли ва паразитар касалликларни кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Вилоятда нозогеографик вазиятнинг шаклланишида ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳам катта роль ўйнайди. Самарқанд вилояти мамлакатимиз миллий иқтисодиётида муҳим мавқега эга бўлиб, бу ерда машинасозлик, озиқ-овқат саноатлари, пахта, узум, тамаки етиштириш, шунингдек, халқаро туризмга ихтисослашган тармоқлар яхши ривожланган. Вилоятда аҳоли орасида учрайдиган касалликлар туманлар кесимида таҳлил

қилинганда нозогеографик вазият айнан ихтисослашув билан боғлиқлиги кўзга ташланади.

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг аксарият регионларида, жумладан Самарқанд вилоятида келиб чиқиши ва географик тарқалиши экологик, ижтимоий-иқтисодий, санитар-гигиеник, маиший-гигиеник, аҳолини турмуш кечириш тарзи, хўжалигини ихтисослашуви билан боғлиқ бўлган касалликлар, бундан ташқари камқонлик (анемия), нафас олиш йўллари, қон ва қон ишлаб чиқариш аъзолари, ошқозон-ичак, буйрак (тош ҳосил бўлиш), болалар ўлими, асаб, гепатит, эндокрин ва хавфли ўсма касалликлари етакчи ўрин эгаллайди.



**Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.*

1-расм. Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларида қон ва қон ҳосил қилувчи аъзолари касалликлари билан оғриганлар сони (ҳар 100 000 минг кишига нисбатан)


Самарқанд вилояти бўйича мавжуд касаллик турларини статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинганда қон ва қон ҳосил қилиш аъзолари билан боғлиқ касалликларнинг сони ҳар 100 минг кишига нисбатан 2000 йилда 5656,0 нафарни, 2005 йилда 4484,2 нафарни, 2010 йилда 8565,5 нафарни ва 2016 йилда 10734,3 нафарни ташкил этган. Мазкур касаллик билан касалланганлар айниқса, Самарқанд шаҳри, Нарпай ва Ургут туманларида кўпчиликни ташкил этади.

Нафас олиш аъзолари касалликлари билан касалланганлар сони 2000 йилда 15052,6 кишига, 2005 йилда 19188,9 кишига, 2010 йилда 26227,6 кишига, 2016 йилда 28702,1 эса кишига тенг бўлган. Қилинган таҳлилларга кўра бу турдаги касаллик Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Ургут ва Самарқанд туманларида кўпроқ учрайди. Самарқанд шаҳрида нафас олиш аъзолари касалликлари патологияси асосан шаҳар ҳавосини турли саноат корхоналари ва транспорт воситаларидан чиқариладиган газлар билан ифлосланганлиги, ифлосланган ҳавонинг шаҳар кўчаларида туриб қолиши сабаб бўлади. Нафас

олиш аъзолари касалликлари орасида энг кўп учрайдиганлари Самарқанд шаҳрида аллергик ренит, сурункали бронхит, пневмония касалликлари ҳисобланади.

Ушбу касалликка чалинганларнинг умумий кўрсаткичи Самарқанд шаҳрида 2005 йилда ҳар 100 минг киши ҳисобига 6700,9 кишини, 2010 йилда 7910,1 кишини, 2016 йилда 10125,1 кишини ташкил этган. Рақамлардан кўриниб турибдики бу касалликка чалинганлар сони шаҳарда йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Мазкур касаллик гуруҳи бўйича етакчи ўрин эгаллаган Ургут тумани бошқа кўпгина касаллик кўрсаткичлари бўйича ҳам вилоятда муҳим ўрин тутати. Жумладан, айрим нафас олиш аъзолари касалликлари ва улар билан боғлиқ юқумли касалликлар (ўпка сили) кўрсаткичлари бўйича ҳам туман алоҳида ажралиб туради.



2-расм. Самарқанд вилоятининг нозогеографик карта-схемаси

Сўнгги йилларда вилоят аҳолиси ўртасида аниқланган эндокрин касалликлар ареали кенгайиб, бу касалликка чалинганлар сони динамик равишда ўзгариб бормоқда. Ушбу касаллик турлари ичида вилоят аҳолиси орасида энг кўп тарқалгани бу эндемик бўқоқ касаллигидир. Бу касалликнинг келиб чиқиши жойнинг сувида, тупроғида, озиқ-овқат маҳсулотларида йод моддасининг етишмаслиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Диссертациянинг «**Навоий вилоятида аҳоли касалланишининг географик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида вилоят аҳолисининг касалланишида ҳудуднинг ўзига хос табиати ва ҳўжалиги, яъни унинг асосий қисмини чўлдан иборатлиги, ҳўжалигининг ихтисослашувида

саноатнинг етакчилиги муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида чорвачиликнинг тутган ўрни юқори.

Навоий вилоятида антропоген ва техноген омиллар таъсирида табиий муҳитнинг ифлосланиши, атмосфера ҳавосини турли хил чиқинди ис газлари билан захарланиши оқибатида геоэкологик вазиятнинг вужудга келиши, аҳолининг яшаш шароити билан боғлиқ бўлган ижтимоий, санитар-гигиеник муаммоларнинг келиб чиқиши туфайли турли хил касалликлар ортиб бормоқда. Вилоят аҳолиси орасида камқонлик (анемия), нафас олиш йўллари, қон ва қон ишлаб чиқариш аъзолари, ошқозон-ичак, буйрак (тош ҳосил бўлиш), асаб, вирусли гепатит (сарик), эндокрин, аллергия ва ўсма касалликлари етакчи ўрин эгаллайди.


Навоий вилояти бўйича касаллик турлари таҳлил қилинганда уларнинг тарқалиши, ўсиш динамикаси ёки камайиш ҳолатлари энг аввало, вилоят ҳудудида шаклланган экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятлар билан боғлиқлиги аниқланди. Хусусан, қон айланиш тизими билан боғлиқ бўлган касалликларнинг сони вилоятнинг чўл қисмида жойлашган туманлари аҳолиси орасида кўп тарқалаганлиги туманлар ҳудудларининг иқлимни қурғоқчиллиги, ёзда ҳаво ҳароратининг юқорилиги, қишда эса совиб кетиши, иқлимда аномал ҳолатларнинг тез-тез такрорланиб туриши, ҳароратнинг йиллик тебраниш фарқининг катталиги билан боғлиқдир. Ушбу касалликка чалинганлар ҳар 100 минг кишига нисбатан Навоий шаҳрида 2005 йилда 1872,7 нафарни, 2010 йилда 1088,8, 2016 йилда 2104,5 нафарни ташкил этган бўлса, Учқудуқ туманида 2005 йилда 51,0 кишини, 2010 йилда 6748,9 нафарни, 2016 йилда 3607,6 кишини, Томди туманида эса 2005 йилда 305,9 тани, 2010 йилда 3872,7 тани, 2016 йилда 2285,9 кишини ташкил қилган.

Қон айланиш тизими касалликларга чалинганларнинг Навоий шаҳрида ҳам анча юқорилиги шаҳардаги саноат корхоналарини таъсири билан ҳам боғлиқ. Таҳлиллар кўрсатадики, ушбу касаллик билан оғриганлар салмоғи Нурота ва Конимех туманларида бир мунча кам кузатилган. Чунончи, Нурота туманида 2005 йилда 789,3 нафарни, 2016 йилда 1489,6 кишини ва Конимех туманида 2005 йилда 547,8 нафарни ва 2016 йилда эса 898,4 нафар кишини ташкил этган.

Маълумки, Навоий вилояти Республикамизнинг тоғ-қон, рангли металлургия, кимё, электроэнергетика, қурилиш материаллари санотининг ривожланиши бўйича Тошкент вилоятидан кейинги ўринни эгаллайди. Бундай саноат корхоналаридан чиқаётган захарли чиқинди ва турли хил газлар Навоий шаҳри ва шаҳарга туташ бўлган туманлар аҳолисини саломатлигига салбий таъсир этиб келмоқда. Айниқса Навоий шаҳрида жойлашган “Навоиазот”, “Навоий ТМК”, Навоий ГРЭС, “Қизилқумцемент” корхоналари ва транспорт воситаларидан чиқаётган захарли газлар таъсирида аҳоли ўртасида нафас олиш аъзолари касаллигига чалинганлар сонини ортишига сабаб бўлмоқда.

Нафас олиш аъзолари касалликлари билан хасталанганлар сони саноат корхоналари тўпланган ва йирик автомагистрал йўли устида жойлашган Навоий шаҳрида 2010 йилда 26938,8 кишига, 2016 йилда 24706,6 кишини,

ташкил этган. Вилоятда кейинги йилларда аҳоли орасида энг кўп учрайдиган касалликлар қаторидан кенг ўрин олган турларидан яна бири хавфли ўсма касалликларидир. Ушбу касалликка чалинганлар сони бўйича Навоий шаҳри, Хатирчи, Кармана туманлари олдинги ўринда туради.



3-расм. Навоий вилоятининг нозогеографик карта-схемаси

Мутахассислар фикрича, ўсма касалликларнинг келиб чиқиши, хусусан, ўпка саратонининг ривожланиши бевосита атмосфера ҳавосининг канцероген моддалар билан ифлосланишига боғлиқлиги аниқланган. Бундан ташқари ўпка ўсмаларининг кенг ривожланишида корхоналардан чиқадиган тутунлар, автотранспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли ис газлари ва тамаки чекиш ҳам муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам ўсма касалликлари агроландшафтлар ҳудудида яшайдиган аҳолига нисбатан саноатлашган шаҳар селитеб ландшафтларида яшайдиган аҳоли ўртасида кўпроқ учрайди.

Диссертациянинг «**Нозогеографик вазиятлар билан боғлиқ географик муаммолар ва унинг тиббий географик прогнози**» деб номланган тўртинчи бобда аҳоли орасида тарқалган касалликларни аниқлашда социологик тадқиқотлар, ўчоқ ҳосил қилувчи касалликлар, тиббий географик районлаштириш ва айрим касалликларнинг прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқот учун Самарқанд вилоятининг Булунғур ва Нуробод, Навоий вилоятининг Хатирчи ҳамда Қизилтепа туманлари танлаб олинди. Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани Жиззах вилояти билан туташ ҳудудда, катта транспорт-магистрал йўлида жойлашган. Туман тери ва тери ости


касалликлари, овқат ҳазм қилиш, юқумли-паразитар касалликлар бўйича ажралиб туради.

1- жадвал

Қудук сувларининг ўртача қаттиқлиги ва буйракда тош ҳосил бўлиш касалликлари

Туманлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	Сув қаттиқлиги
Тайлоқ тумани	199	244	189	106	145	198	18,06
Пайариқ тумани	262	248	269	295	321	225	16,47
Иштихон тумани	63	36	72	40	55	83	17,29
Нуробод тумани	88	59	67	72	85	69	14,4
Нарпай тумани	147	146	142	136	150	166	34
Ўртача	137,8	134,3	135,3	111,8	140,8	134,3	17,3

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.



4-расм. Буйрак-тош касаллиги ва сувнинг қаттиқлик даражаси орасидаги функционал боғланиш

Айтиш ўринлики, Мирзачўл минтақасида ўзига хос нозогеографик ареал унинг тоғ олди қисмини, хусусан Ғаллаорол ва Бахмал туманларини ўз ичига олади. Айни вақтда Бахмал тумани қўшни Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани билан бир қаторда нозогеографик (хусусан, юқумли касалликлар) ўчоқ ҳисобланади. Нуробод тумани аҳолиси аксарият қисмининг чорвачилик билан шуғулланиши билан боғлиқ равишда бруцеллёз касаллиги кўрсаткичларининг юқорилиги кўзга ташланади. Тадқиқот ишида Самарқанд вилояти мисолида аҳоли истеъмол қиладиган қудук сувининг сифати билан айрим касалликлар орасидаги боғлиқлик аниқланди. Қудук сувининг асосий кўрсаткичлари сифатида сувнинг қаттиқлиги ва минерализация даражаси у билан боғлиқ бўлган буйракда тош ҳосил бўлиш ва ошқозон - ичак касалликлари олинди. Тадқиқотда юқоридаги 1 ва 2-жадваллар асосида сувнинг кимёвий хоссаларининг мос касалликларга таъсири ўрганилди. Аввал ушбу маълумотларни бир жинслиikka текширилди: мос касалликлар

кўрсаткичларини b_i ($i=1,2,3,4,5$); мос равишда сувнинг кимёвий хоссаларини ифодаловчи кўрсаткичларни m_i орқали белгиланди. Маълумотларни бир жинслиликка текширишда Фишер критерийсидан фойдаланилди:


$$F = \frac{\sigma_K^2}{\sigma_k^2},$$

бу ерда σ_K^2 - катта дисперсия, σ_k^2 - кичик дисперсия. Танланма дисперсияларини ҳисобланди, бунинг учун аввал ҳар бир танланманинг ўрта қийматларини топилди (маълумотлар 2-жадвалдан олинган):

2 – жадвал

Қудуқ сувлари минерализацияси ва ошқозон-ичак касалликлари кўрсаткичлари

Туманлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016	Сувнинг минераллашуви
Тайлоқ	15307	7992	15089	4207	4561	4314	0,952
Оқдарё	3555	10356	9343	13204	13232	10256	1,248
Иштихон	18978	11795	15511	13342	12985	12541	1,856
Нуробод	10094	7080	3673	10228	8032	9521	2,448
Нарпай	7974	7981	9019	9037	6965	8565	4,104
Ўргача	11181,6	9040,8	10527	10003,6	9155	9039,4	2,1216



5-расм. Ошқозон-ичак касалликлари динамикаси гистограммаси

$$\bar{b} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n b_i = \frac{1}{5} (4314 + 10256 + 12541 + 9521 + 8565) \approx 9039,4;$$

$$\bar{m} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n m_i = \frac{1}{5} (0,952 + 1,248 + 1,856 + 2,448 + 4,104) = 2,12.$$

Демак, 2016 йилда ошқозон-ичак касалликлари ўртача кўрсаткичи 9039,4, сувнинг минерализацияси эса ўртача 2,12 ни ташкил этади.

ХУЛОСА

Мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Вилоятларнинг экологик вазияти кескин бўлган қисмида тупроқ ва сувнинг ифлосланиши натижасида шаклланган касалликлар билан экологик вазият қулай бўлган баҳорикор деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган туманларида касалликларнинг тур ва гуруҳларини тарқалиши хўжалик ихтисослашуви билан боғлиқлиги билан изоҳланади.

2. Нозогеографик вазият ҳудуднинг табиий шароити ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан кескин фарқ қиладиган жойлар учун хос бўлган касалликлар таркиби аниқланди. Касалликларни олдини олиш ва даволашда мутахассисларни етишмаслигини инобатга олиб малакали тиббиёт ходимларини жалб этиш ва ихтисослашган тиббий муассасаларни ҳудудий ташкил этиш бўйича таклифлар тавсия этилди.

3. Бруцеллез касаллигини тарқалиш хусусиятлари, унга таъсир этувчи географик омиллар ўрганилиб, касалликнинг тарқалиш ўчоқ ва ареаллари аниқланиб, Самарқанд вилоятининг Нуробод, Булунғур туманларида, шунингдек Навоий вилоятининг Навбахор, Хатирчи, Нурота туманлари аҳолиси орасида бруцеллез касаллиги бирмунча кўплиги эътироф этилди. Мазкур касалликнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд ва Навоий вилоятлари санитар-эпидемиология марказлари ва ветеринария бошқармаларига чорвачилик районларида касаллик ўчоқларини зарарсизлантириш ишларини йўлга қўйиш, санитар-ҳимоя зоналарини ташкил этиш тавсия этилди.

4. Ҳудудларда тарқалган касалликларни таҳлили ва ишлаб чиқилган прогнозлар вилоятлар тиббий географик атласларини яратишга асос бўлади.

5. Чўл-яйлов чорвачилигига ихтисослашган туманлар аҳолиси орасида ўчоқ ҳосил қилувчи касалликлар билан оғриганлар бирмунча кўпчиликини ташкил этади. Вилоятлар ҳудуди тиббий географик жиҳатдан таҳлил қилинганда баъзи ўта хавфли юқумли касалликларнинг ҳам оз бўлсада мавжудлиги аниқланди. Ушбу ҳудудларда ветеринар-эпидемиологик назоратни янада кучайтириш ва соҳа мутахассислари билан таъминлаш зарурлиги таъкидланади.

6. Булунғур, Нуробод, Қизилтепа, Хатирчи туманлари аҳолиси орасида юқумли-паразитар касалликлар, камқонлик, сил, ошқозон-ичак, суяк-бўғим, гепатит, бруцеллез, аллергия, ўт қоғи ва буйракларда тош йиғилиши сингари касалликлар бирмунча кўп учрайди. Шу боис мазкур касалликларни олдини олиш ва камайтириш мақсадида аҳоли орасида тиббий саводхонликни кучайтириш мақсадга мувофиқлиги билан изоҳланади.

7. Аҳоли саломатлигини яхшилаш ва тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳудудий ташкил этишда энг аввало, жойларнинг табиий шароити ва экологик

вазияти билан бирга тиббий географик районларда юқумли ва паразитар касалликларни тарқалишида аҳоли зичлиги ва манзилгоҳларини жойлашув омилини ҳисобга олиш бўйича таклифлар тавсия этилди.

8. Аҳоли орасида кенг учрайдиган касалликларнинг ҳудудий жиҳатларини тадқиқ қилиш келгусида ихтисослашган минтақавий тиббий марказ ва мажмуаларни ҳудудий ташкил этиш, аҳолини малакали тиббий мутахассислар (эпидемиолог, аллерголог, неонтолог, онколог, инфекционист) билан таъминлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05.30.2018.G.02.07
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАВШАНОВ АЛИКУЛ ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ НОЗОГЕОГРАФИЧЕСКОЙ
СИТУАЦИИ
(на примере Самаркандской и Навоийской областей)**

11.00.02 – Экономическая и социальная география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
доктора философии (PhD) по географическим наукам**

Самарканд - 2019

Диссертация доктора философии по географическим наукам (PhD) зарегистрирована за номером В2019.4.PhD/Gr31 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех (узбекский, русский, английский (резюме)) языках на веб-странице Научного совета (samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz.).

Научный руководитель: **Комилова Нилуфар Қаршибоевна**
доктор географических наук

Официальные оппоненты: **Сафаров Баходир Шахриёрович**
доктор экономических наук

Мухаммедов Одил Лапасович
кандидат географических наук

Ведущая организация: **Каракалпакский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__»_____2020 г в__ часов на заседании Научного совета DSc. 05.30.2018.G.02.07 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, Самарканд, Университетский бульвар, 15 дом. Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya@mail.ru Самаркандский государственный университет, факультет географии и экологии).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирован за №___). Адрес: 140104, Самарканд, Университетский бульвар 15 дом. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Автореферат диссертации разослан «__»_____2020 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «__»_____2020 года).

С.Б.Аббасов

Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д. г. н., профессор

К.С.Ярашев

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
PhD по географическим наукам

А.Рахматуллаев

Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.г.н (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В результате глобализации мировой экономики и в условиях жесткой конкуренции, а также стремительного роста увеличивается показатель смертности среди населения в результате инфекционно-паразитарных заболеваний. Всемирные организации большое внимание уделяют борьбе против этих заболеваний и ликвидации их последствий. В частности, в программе устойчивого развития ООН до 2030 года¹ указано повышение темпа “прогресса в борьбе с малярией, ВИЧ/СПИДом, туберкулезом, гепатитом, лихорадкой Эбола и другими инфекционными заболеваниями и эпидемиями, в том числе посредством борьбы с повышением резистентности к противомикробным препаратам и решения проблемы неизлеченных болезней, распространенной в развивающихся странах”. Эффективное выполнение этих задач требует стабилизации нозоэкологических и нозогеографических ситуаций в регионах с аридным климатом.

Всемирная география и медицина проводит серьезные изыскания в области изучения основных направлений корреляционной связи между патологическими процессами окружающей среды и человеческого здоровья и географическими факторами и выявлении механизмов этих взаимосвязей, возникновения нозоэкологических и нозогеографических ситуаций, проблем их оптимизации. В частности, приоритет отдается исследованию нозокомплексов в качестве отдельной категории медицинской географии и нозогеографии, оценке влияющих на это факторов, проблемам выявления ареалов распространения очагообразующих заболеваний, определения их динамики и разработке их прогноза. Медико-географическая ситуация регионов считается одним из важных аспектов, определяющих развитие общества и уровень жизни населения. Решение медико-географических проблем и улучшение здоровья населения, снижение уровня заболеваемости среди населения и обеспечение продления жизни людей имеет важное научное и практическое значение.

В республике реализуется ряд мероприятий по дальнейшему укреплению здоровья населения, модернизации здравоохранительной сферы, сокращению видов и типов всё увеличивающихся заболеваний, защите материнства и детства. В пункте 4 “Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021-е годы определены задачи «...направленные на обеспечение снижения показателей заболеваемости среди населения и продления продолжительности жизни; повышение уровня здравоохранения, прежде всего, удобства и качества оказания населению медицинской и социально-медицинской помощи»². В этом плане важное значение имеют научные изыскания, направленные на оптимизацию влияния

¹ Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <https://www.undocs.org/ru/A/RES/70/1>

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021-е годы.

географических факторов обуславливающие возникновение нозогеографической ситуации в Самаркандской и Навоийской областях с усугубленной экологической ситуацией.

